
БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Риштон тумани ҳокимлиги, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Оилада бир кишининг ишлаши қорақозонни қайнатади, дастурхонига қут-барака қўндиради. Эр-хотиннинг меҳнат қилиши эса оилавий бюджетни мустаҳкамлайди, қўшимча даромад манбаини ҳосил қилади.

Мамлакатимизда аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор бераётганлиги, уларни ҳар бирлари билан мунтазам ишлаш мақсадида “Аёллар дафтари” жорий этилиши ҳам хотин-қизлар бандлигини таъминлашда индивидуал ёндашувни талаб этади.

Ишга лаёқатли бўлган, аммо вақтинча ишсиз бўлган аёлларимиз кўпчилкини ташкил этади. Жалаер МФЙда яшовчи Мунираҳон Қодирова ишга жойлашиб, оиласига ёрдам бериш мақсадида мурожаат қилганди. Унинг мурожаати туман ҳокимлиги, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ижобий ҳал этилди. Мунираҳон Қодирова фермер хўжалигига ишга қабул қилинди. Бандлиги таъминланган фуқаро бундай ғамхурлик учун мутассади раҳбарларга миннатдорчилик билдирди.

2021-06-09 14:14:54